

**О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 18 » ноябрь 2019 у.

№ 915

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

**(Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон
Республикасида нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш
чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 9 сентябрдаги
ПФ–5816-сон Фармони)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 9 сентябрдаги ПФ–5816-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиради.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “18” ноябрдаги
915 -сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги 38-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 3-сон, 17-модда) билан тасдиқланган Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандида:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

“транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисида кўрсатилган транспорт воситаси эгасининг яқин қариндошларига (ота-она, эр (хотин), болалар, ака-укалар, опа-сингиллар) транспорт воситасидан фойдаланиш ва бошқаришни бериш ҳолларига”;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегиши равишда тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 6-сон, 32-модда) билан тасдиқланган Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларида:

а) 2-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

“**транспорт воситасининг эгасининг яқин қариндошлари** – транспорт воситаси эгасининг транспорт воситасидан фойдаланиш ва уни бошқариш учун нотариал тасдиқланадиган ишончнома расмийлаштирилиши талаб қилинмайдиган яқин қариндошлари (ота-она, эр (хотин), болалар, ака-укалар, опа-сингиллар)”;

учинчи – ўн олтинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи – ўн еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;


б) 12-бандга қуйидаги мазмундаги “е” кичик банд қўшилсин:

“е) транспорт воситаси эгасининг ихтиёри билан мазкур транспорт воситасидан фойдаланиш ва уни бошқаришга қўйилган яқин қариндошларининг қариндошлик даражасини тасдиқловчи ҳужжатлар”;

в) 1 ва 1а-иловалар матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича хайдовчилар сони чекланган ҳолда фойдаланиш шarti билан расмийлаштирилган суғурта полиси бланкаси намунаси

(Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси бланкасининг олд томони)



Серия __ № ____

**Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича хайдовчилар сони чекланган ҳолда фойдаланиш шarti билан расмийлаштирилган
СУГУРТА ПОЛИСИ**

СТРАХОВОЙ ПОЛИС

по обязательному страхованию гражданской ответственности владельцев транспортных средств, оформленный на условиях использования ограниченным количеством водителей

Суғурта полисининг амал қилиш муддати/
Период действия страхового полиса:

с «__» _____ 20__ й./г. дан по «__» _____ 20__ й./г. гача

1. _____
(Суғурталовчининг тўлиқ номи ва реквизитлари/Полное наименование и реквизиты страховщика)

2. _____
(Суғурта қилдирувчининг тўлиқ номи (Ф.И.О.) ва реквизитлари/Полное наименование (Ф.И.О.) и реквизиты страхователя)

3. Суғурта қилдирувчининг телефон рақами/Номер телефона страхователя:

-	-	-	-	-	-	-	-	-
---	---	---	---	---	---	---	---	---

4. Транспорт воситаси тўғрисидаги маълумотлар/Сведения о транспортном средстве:

Маркаси ва модели/ Марка и модель	Ишлаб чиқарилган йили/ Год выпуска	Двигатель рақами/ Номер двигателя	Кузов (шасси) рақами/ Номер кузова (шасси)	Давлат рақами белгиси/ Государственный регистрационный номер
-	-	-	-	-

5. Суғурта қилдирувчининг фаолият тури/Вид деятельности страхователя:

6. Транспорт воситасидан устун даражада фойдаланиш ҳудуди/Территория преимущественного использования транспортного средства:

7. Транспорт воситасини бошқаришга қўйилган шахслар/Лица, допущенные к управлению транспортным средством:

№	Факат куйидаги хайдовчилар:/ Только нижеследующие водители:	Хайдовчилик гувоҳномаси/ Водительское удостоверение	Қариндошлик даражаси / Степень родства*
1	Ф: _____ И: _____ О: _____	Серия __ № _____	
2	Ф: _____ И: _____ О: _____	Серия __ № _____	
3	Ф: _____ И: _____ О: _____	Серия __ № _____	
4	Ф: _____ И: _____ О: _____	Серия __ № _____	

5	Ф: И: О:	Серия № _____	
...			

* яқин қариндошлари – “ота”, “она”, “эр” (“хотин”), “ўғил”, “қиз”, “ака”, “ука”, “опа”, “сингил” деб кўрсатилади, қариндош бўлмаган шахслар учун ушбу устун тўлдирилмайди.

* близкие родственники – «отец», «мать», «муж» («жена»), «сын», «дочь», «братья», «сестры», для лиц, не являющихся родственниками эта графа не заполняется.

(Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича сугурта полиси бланкасининг орқа томони)

8. Сугурта суммаси ва сугурта мукофоти/Страховая сумма и страховая премия.

Кўрсаткичлар/Показатели	Сон билан/Цифрами	Сўз билан/Прописью
Сугурта суммаси / Страховая сумма		
Сугурта мукофоти / Страховая премия		
Сугурта мукофоти бўйича сийлов/ Скидка по страховой премии		
Сугурталовчига тўланадиган сугурта мукофоти/ Страховая премия, уплачиваемая страховщику		

9. Транспорт воситасидан фойдаланишда жабрланувчининг ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилганлиги учун мазкур сугурта полисига мувофиқ жавобгарлиги сугурталанган шахснинг фуқаролик жавобгарлиги юзага келиши ушбу сугурта полиси бўйича сугурта ходисаси ҳисобланади. Страховым случаем по настоящему страховому полису является наступление гражданской ответственности лица, ответственность которого застрахована в соответствии с настоящим страховым полисом, за причинение вреда жизни, здоровью и (или) имуществу потерпевших при использовании транспортного средства.

10. Сугурталовчининг почта манзили, шунингдек унинг барча филиаллари, улар билан алоқа воситалари ва уларнинг иш вақти тўғрисидаги маълумотлар/Сведения о почтовом адресе страховщика, всех его филиалов, средствах связи с ними и о режиме их работы;

Худуд/Регион	Худудий бўлиналар номи/Наименование региональных подразделений	Манзил ва телефон рақами/ Адрес и номер телефона
-	-	-

11. Серия № _____ махсус давлат белгиси берилган/Выдан специальный государственный знак серии № _____

12. Алоҳида белгилар/Особые отметки

Изоҳ. Транспорт воситаси ва (ёки) сугурта қилдирувчининг ёки мазкур сугурта полисига мувофиқ жавобгарлиги сугурталанган шахс тўғрисидаги янги маълумотларни киритиш учун.
Примечание. Для внесения новой информации о транспортном средстве и (или) страхователе или лице, ответственность которого застрахована в соответствии с настоящим страховым полисом.

Сугурталовчининг раҳбари ёки ваколатли шахси/
Руководитель или уполномоченное лицо страховщика

Берилган санаси:

(имзо/подпись) _____ (Ф.И.О.) _____ М.Ў./М.П. Дата выдачи: «__» _____ 20__ й./г.

Берилган вақти:

Время выдачи: ___ соат/часов ___ дақиқа/минут.


Сугурта полиси бланкаси тавсифи:

Сугурта полиси бланкалари А5 (210 — 148 мм) форматда тайёрланади.

Сугурта полиси бланкаси фонининг ранги мовий (rgb(113, 228, 255) ёки (HEX #71e4ff)

“Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича хайдовчилар сони чекланмаган ҳолда фойдаланиш шарти билан расмийлаштирилган суғурта полиси бланкаси намунаси

(Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси бланкасининг олд томони)



Серия № _____

**Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича хайдовчилар сони чекланмаган ҳолда фойдаланиш шарти билан тузилган
СУГУРТА ПОЛИСИ**

СТРАХОВОЙ ПОЛИС

по обязательному страхованию гражданской ответственности владельцев транспортных средств, оформленный на условиях использования без ограничения количества водителей

Суғурта полисининг амал қилиш муддати

Период действия страхового полиса:

с «__» _____ 20__ й./г. дан по «__» _____ 20__ й./г. гача

1. _____
(Суғурталовчининг тўлиқ номи ва реквизитлари/Полное наименование и реквизиты страховщика)

2. _____
(Суғурта қилдирувчининг тўлиқ номи (Ф.И.О.) ва реквизитлари/
Полное наименование (Ф.И.О.) и реквизиты страхователя)

3. Суғурта қилдирувчининг телефон рақами/Номер телефона страхователя:

-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

4. Транспорт воситаси тўғрисидаги маълумотлар/Сведения о транспортном средстве:

Маркаси ва модели/ Марка и модель	Ишлаб чиқарилган йили/ Год выпуска	Двигатель рақами/ Номер двигателя	Кузов (шасси) рақами/ Номер кузова (шасси)	Давлат рақами белгиси/ Государственный регистрационный номер
-	-	-	-	-

5. Суғурта қилдирувчининг фаолият тури/Вид деятельности страхователя:

6. Транспорт воситасидан устун даражада фойдаланиш ҳудуди/Территория преимущественного использования транспортного средства:

(Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси бланкасининг орқа томони)

7. Транспорт воситасининг эгасининг ихтиёри билан мазкур транспорт воситасидан фойдаланиш ва уни бошқаришга қўйиладиган яқин қариндошлари:

№	Фақат қуйидаги қариндошлар:/ Только нижеследующие родственники:	Ҳайдовчилик гувоҳномаси/ Водительское удостоверение	Қариндошлик даражаси/ Степень родства*
1			
2			
3			
4			
5			
...			

* яқин қариндошлари – “ота”, “она”, “эр” (“хотин”), “ўғил”, “қиз”, “ака”, “ука”, “опа”, “сингил” деб кўрсатилади.

* близкие родственники – «отец», «мать», «муж» («жена»), «сын», «дочь», «братья», «сестры».

8. Сугурта суммаси ва сугурта мукофоти/Страховая сумма и страховая премия.

Кўрсаткичлар/Показатели	Сон билан/Цифрами	Сўз билан/Прописью
Сугурта суммаси / Страховая сумма		
Сугурта мукофоти / Страховая премия		
Сугурта мукофоти бўйича сийлов/ Скидка по страховой премии		
Сугурталовчига тўланадиган сугурта мукофоти/ Страховая премия, уплачиваемая страховщику		

9. Транспорт воситасидан фойдаланишда жабрланувчининг ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилганлиги учун конун ҳужжатларига мувофиқ уни бошқараётган шахснинг фуқаролик жавобгарлиги юзага келиши ушбу сугурта полиси бўйича сугурта ходисаси ҳисобланади.

Страховым случаем по настоящему страховому полису является наступление гражданской ответственности лица, управляющего транспортным средством в соответствии с законодательством, за причинение вреда жизни, здоровью и (или) имуществу потерпевших при управлении им.

10. Сугурталовчининг почта манзили, шуниингдек унинг барча филиаллари, улар билан алоқа воситалари ва уларнинг иш вақти тўғрисидаги маълумотлар/сведения о почтовом адресе страховщика, всех его филиалов, средствах связи с ними и о режиме их работы;

Худуд/Регион	Худудий бўлинмалар номи/Наименование региональных подразделений	Манзил ва телефон рақами/ Адрес и номер телефона
-	-	-

11. Серия ___ № ___ махсус давлат белгиси берилган/Выдан специальный государственный знак серии ___ № ___.

12. Алоҳида белгилар/Особые отметки

Изоҳ. Транспорт воситаси ва (ёки) сугурта килдирувчининг ёки мазкур сугурта полисига мувофиқ жавобгарлиги сугурталанган шахс тўғрисидаги янги маълумотларни киритиш учун.

Примечание. Для внесения новой информации по транспортному средству и (или) страхователю или лицу, ответственность которого застрахована, в соответствии с настоящим страховым полисом.

Сугурталовчининг раҳбари ёки ваколатли шахси/
Руководитель или уполномоченное лицо страховщика

Берилган санаси:

_____ (имзо/подпись)

_____ (Ф.И.О.)

М.Ў./ М.П. Дата выдачи: « ___ » _____ 20__ й./г.

Берилган вақти:

Время выдачи: ___ соат/часов ___ дақиқа/минут.

Сугурта полиси бланкаси таснифи:

Сугурта полиси бланкалари А5 ҳажмда тайёрланади (210 — 148 мм).

Сугурта полиси бланкаси асосий ранги пушти ранг (rgb(255, 201, 244) ёки HEX #ffc9f4)”

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 12-сон, 109-модда) билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидаларида:

а) 7-бандда:

тўртинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“транспорт воситаси ёки тиркамани қайд қилиш гувоҳномасини”;

куйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

“транспорт воситасининг эгаси бўлмаган ҳолларда эса умумий эгалик ҳуқуқини ёки тасарруф этиш ҳуқуқини берувчи, эгалик қилишга ва фойдаланишга

берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни, транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисида кўрсатилган транспорт воситаси эгасининг яқин қариндошлари (ота-она, эр (хотин), болалар, ака-укалар, опа-сингиллар) бундан мустасно”;

бешинчи – еттинчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи – саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 8-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

“Транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисида кўрсатилган транспорт воситаси эгасининг яқин қариндошлари (ота-она, эр (хотин), болалар, ака-укалар, опа-сингиллар) ушбу транспорт воситасидан мустақил фойдаланиши ва бошқариши мумкин”.